

## Фақир ва мискиннинг фарқи



14:30 / 13.04.2022 5454

Бу икки тоифа бир-бирига жуда яқин, қоришиб кетган, ҳатто баъзи вақтларда уларни ажратиш ҳам мушкул. Фикҳ уламолари бу масалада турли гаплар айтиб, ҳукмлар чиқарганлар.

سَيَلَّ لِقَاقٍ مَلَسُوهُ يَلْعَلْ لِيَصَّبَّ لِنَعِ، نَعْنَعُ لِيَضْرَبَ رِيْبَ أَيْ نَعْنَعُ  
نَاتَرْمَّتْ لَأَوْ رَمَّتْ لَأَوْ نَاتَمَّقُلْ لَأَوْ مَقُلْ لَأَوْ دَرَّتْ سَانِ لِيَلْعُ فُوطِي يَدُّ لِنَيْ كَسْمَلِ  
أَلَوْ، هَيْ لَعُ قَدَصَتْ يَفُ هَلْ نَطْفِي أَلَوْ، هَيْ نَعْنَعِي نَعْنَعُ دَجِي أَلِ يَدُّ لِنَيْ كَسْمَلِ نَكَلْ وَ  
يَدْمَرَّتْ لَأَلِ إِسْمَخْلُ أَلَوْ، سَانِ لَأَسَيَفُ مُوقِي

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларнинг орасида айланиб юрса, бир луқма, икки луқма ёки бир хурмо, икки хурмо уни қайтарадиган киши мискин эмас. Балки мискин –

Ўзини беҳожат қиладиган бойлик топа олмаган, эътибор қаратиб, садақа қилинмайдиган, ўзи туриб бориб, одамлардан сўрамайдиган кишидир», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон киши ноилож ҳолда мискинликка учраб қолганида ҳам ўзини қандай тутиши лозимлигини баён қилмоқдалар.

Аслида мусулмон одам мискин, фақир-камбағал бўлиши керак эмас. Қўлидан келган барча ҳалол имкониятларни ишга солиб, ўзини ўзи таъминлаб, фаровон турмуш кечиришга интилиши лозим. Бу мусулмонга фарз. Аммо дунё бир хил турмайди, турли ҳодисалар рўй беради, инсон хоҳлаган нарса бўлавермайди. Ана шу сабабга кўра танг ҳолатга тушиб қолган мусулмон ҳам ўзини бардам тутиши керак. Одамлар унинг бу ҳолини билиб қолмаслиги лозим. Дарҳол бировлардан ёрдам, садақа сўрашга шошилиш яхши эмас. Ўзини ана шундай тутган одам мискин бўлади.

Аслида бошқа мусулмонлар уларни қидириб топишлари, закотга ҳақдор санаб, ҳақларини топширишлари лозим.

Одамлардан хиралик ила нарса сўраб юриш, бир-икки луқма учун ҳам тиланишдан қайтмаслик тиланчининг иши. Тиланчилик эса мусулмонликда қоралангандир. Тиланчи шу йўл билан ҳожатини чиқарса, мискин ўзи сўрамаса ҳам кишилар унинг ҳолидан хабардор бўлиб турадилар.

Ҳанафий мазҳаби таърифида мискин ҳеч нарсаси йўқ, фақир эса баъзи нарсалари бор-у, лекин моли шаръий нисобга етмаган одамдир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, закот бериши вожиб бўлмаган одамдир.

Бир одамнинг маскани ва мол-мулки бўлса-ю, бироқ ундан келадиган даромад бу кишининг харажатини қоплай олмаса, бундай одам бой ҳисобланмай, закотга ҳақдор бўлиб тураверади. Қолаверса, ўзига етарли кийимлари, ҳайитда киядиган охорли кийимлари, ҳунар асбоблари, китоблари, аёлларида ўзига яраша тақинчоқлари бўлган киши ҳам бой ҳисобланмайди.

Бир одамнинг моли бўлса-ю, ундан фойдаланиш йўлида тўсиқ бўлиб, оғир аҳволда қолса, мискин-фақир саналиб, улар закотнинг мискин ва фақирларга ажратилган улушига ҳақдор ҳисобланадилар.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ**